O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
NAVOIY VILOYATI

QIZILTEPA TUMANI
HOKIMINING
QARORI

РЕСПУБЛИКА УЗБЕКИСТАН
НАВОИЙСКАЯ ОБЛАСТ

РЕШЕНИЕ
ХОКИМА
КЫЗЫЛТЕПИНСКОГО РАЙОНА

Manzilgoh: 210400, Qiziltepa tumani, O'zbekiston shoh ko'chasi 43-uy tel.: 555-31-75

"17" октябр 2017 y (г). № Қ-10/1436

Ижтимоий муҳофазага мухтож ва иш топишда кийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларини 2018 йилда банд килиб қўйиш тўғрисида"

Ўзбекистон Республикасининг «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги Қонунининг 17-моддаси (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, 5-6-сон, 97-модда), "Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонунининг 25-моддаси (Ўзбекистон Республикаси конун ҳужжатлари гўплами, 2008 йил, 29-30-сон 277-модда). Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 6 апрелдаги "Аҳоли бандлигини ошириш ҳамда меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза килиш органлари фаолиятини такомиллаштириш чора-гадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-616-сонли карори (Ўзбекистон Республикаси конун ҳужжатлари тўплами, 2007 йил, 15-сон 156-модда). Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 20 августдаги «Ижтимоий муҳофазага мухтож ва иш топишда кийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларини банд килиб қўйиш тартиби тўғрисида»ги Низомни тасдиклаш ҳакида"ги 186-сонли карорига (Ўзбекистон Республикаси конун ҳужжатлари гўплами, 2008 йил, 34-сон, 333-модда) асосан иш ўринларини банд килиб қўйиш максадида.Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Қонуннинг 6-моддасига асосан

К А Р О Р К И Л А М А Н :

1. Ўзбекистон Республикасининг «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги Қонунининг 17-модласига асосан ижтимоий мухофазага мухтож, иш топишда кийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун туманлаги корхоналар,

ташкилотлар ва муассасалар учун ходимларнинг рўйхатдаги ўртача сонидан 215 кишини ташкил этадиган 2.8 фоиз миқдорида,

шу жумладан:

ўн тўрт ёшгача болалари ва ногирон болалари бўлган ёлғиз ота, ёлғиз она ва кўп болали ота-оналар учун 5.1 фоиз (11 киши);

таълим муассасаларини тугатган ёшлар учун 75.8 фоиз (163 киши);

муддатли харбий хизматдан бўшатилган шахслар учун 8.3 фоиз (19 киши);

ногиронлар учун 3.7 фоиз (8 киши);

туман Бандликка кумаклашиш ва ахолини ижтимоий мухофаза килиш марказида иш киритувчи сифатида хисобда турган пенсия ёшига якинлашиб колган шахслар учун 1.9 фоиз (4 киши);

жазони ўташ муассасаларидан бўшатилган, жазони ўтаётган ёки суд карорига кўра тиббий характердаги мажбурий чоралар кўрилган шахслар учун 1.4 фоиз (3 киши);

одам савдосидан жабрланган шахслар учун 1 киши миқдорида 0.5 фоиз, ижтимоий мухофазага мухтож шахсларнинг бошка тоифалари учун, 2,3 фоиз (6 киши), шу жумладан кичик ёшли болалари бўлган ишламаётган аёллар учун 2 киши, ятрофдагилар учун хафли бўлмаган ижтимоий ахамиятли касалликлар билан огриётган шахслар учун 2 киши, одам савдосидан жабрланган шахслар учун 2 киши миқдорида иш ўринлари ахиратан белгилансин ва тумандаги корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар кесимида иловадаги жадвал асосида тасдиклансин.

2. Тумандаги корхоналар, ташкилотлар ва муассасаларнинг рахбарлари ижтимоий мухофазага мухтож шахслар учун иш жойларининг кўрсатиб ўтилган миқдорини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2008 йил 20 августдаги 186-сонли карори билан тасдикланган "Ижтимоий мухофазага мухтож ва иш топишда кийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларини банд килиб кўйиш тартиби тўгрисида"ги Низомига мувофик белгиланган муддатларда ва тартибда барпо этилишини (банд этиб кўйилишини ёки ажратилишини) хамда иш жойлари санитария-гигиена коидаларига ва ходим ўз мехнат мажбуриятларини бемалол бажаришини таъминлайдиган мехнат шароит тарига мувофик бўлишини таъминласинлар.

3. Тумандаги корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар рахбарларига ижтимоий мухофазага мухтож ва иш топишда кийналаётган шахсларни иш билан таъминлаш максадида 2017 йил якунланишидан 10 кун олдин хар бир корхона, ташкилот ва муассаса квоталанган иш жойларининг умумий микдорининг камида 25 фоизи учун 2018 йилнинг 10 апрелидан кечикмаслан иш жойларининг колган кисми 75 фоизини яратиш (банд килиб қўйилганлиги) тўгрисидаги, янги хар бир квота доирасида бўйича иш ўрнилари банд килиб қўйиладиган касблар ва лавозимлар, мутахассисликлар кесимидаги маълумотларни ва карор бўйича чикарилган буйрук нусхаларини туман хокимлиги Бандликка кўмаклашиш ва ахолини ижтимоий мухофаза килиш маркизига такдим этиш вазифалари топширилсин.

4. Ушбу карор ижроси ўз вактида таъминланмаган такдирда Ўзбекистон Республикасининг "Ахолини иш билан таъминлаш тўгрисида"ги Қонунининг 18-моддаси 3-кисмига мувофик иш берувчилардан хар бир яратилмаган иш жойи учун конунчиликда белгиланган тартибда жавобгарликка тортилади. Жарима тўланадиган ташкилотни банд килиб қўйиладиган иш ўрнларининг белгиланган сонини ташкил этишдан озод килмайди.

5. Туман Бандликка кўмаклашиш маркази (Ж.Файзуллаев) бир хафта муддатда мазкур карорни тегишли корхона, ташкилот ва муассасалар рахбарлари эътиборига хамда оғзаки ва карорнинг бажарилиши устидан катъий назорат урнатилишини таъминласин.

6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2008 йил 20 августдаги 186-сонли карори билан тасдикланган "Ижтимоий мухофазага мухтож ва иш топишда кийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўрнларини банд килиб қўйиш тартиби тўгрисида"ги Низомга асосан ижтимоий мухофазага мухтож ва иш топишда кийналаётган шахслар учун банд килиб қўйиладиган иш урнларини туман хокими томонидан белгиланган микдордан ортикча ташкил этган ташкилотлар ушбу иш ўрнларини ташкил этишга сарфланган маблағ миқдорининг бир кисмини Бандликка кўмаклашиш маркази билан тузилган шартнома асосида Бандликка кўмаклашиш жамгармаси маблағлари хисобидан копланиш ҳукукини ягона жиликлари тўлобатга олинсин.

7.Мазкур қарор “Қизилтепа тонги”газетасида расман эълон қилинсин ҳамда ҳокимликнинг расмий веб сайтига жойлаштирилсин.
8.Ушбу қарорни бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Н.Ҳайитов зимасига юклатилсин.

Туман ҳокими Ш.Ш.Набиев.